

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ
ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021**

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

С 22

С 22

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма. – Т.: «Адолат» миллий хукукий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:

Қ.Куранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, X.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

Тузувчилар:

Ш. Файзиев, X. Мухамедов, А. Йўлдошев,
Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков,
Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев,
Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021

© «Адолат» миллий хукукий ахборот маркази, 2021

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ДАВРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШ

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини таъминлашнинг аҳамияти

Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, фуқароларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий меъёrlар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизимиди.

Жамоат тартибини сақлаши – жамиятда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, юридик, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келган тартибни ҳар қандай тажовузлардан, унга зарар етказиш йўлидаги уринишлардан ҳимоя қилиш чоралари.

Сайловга тайёргарлик кўриши ва ўтказиш даврида жамоат тартибини таъминлашнинг аҳамияти фуқароларнинг ўз конституциявий сайлов ҳуқуқларидан, ўз хоҳиш иродасини яширин овоз бериш орқали фойдаланишига хавфсиз шароит яратилганида кўринади.

Жамоат тартибини сақлашга масъул этиб Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари белгиланган. Сабаби мазкур орғанлар ўз фаолиятида тегишли қонун билан белгиланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ёки давлат объектларини, ўта мухим тоифаланган объектларни қўриқлаш, лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, терговга қадар текширувни амалга ошириш, суриштирув ўтказиш, жиноят ишларини қўзғатиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш каби ваколатларга эга.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ҳисобланади. Чунки масаланинг моҳиятини мантиқан яхлит тушуниш учун асосий қонунимизнинг сайлов тизимига бағишланган (117-модда), Сайлов кодекси (14, 49, 58-моддалари), Ички ишлар органлари ва миллий

гвардия ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунлари, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари билан тасдиқланган низомларда белгиланган ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ички ишлар ёки миллий гвардия ходимлари сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг кўрикланишини таъминлайди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш механизми

Хуқуқий механизм - ижтимоий муносабатларга жамият ва давлат олдида турган мақсад ва вазифаларга мос равишда самарали ҳуқуқий таъсир этишини таъминловчи юридик воситаларнинг яхлит тизимиdir. *Механизм* – бир қанча мустақил ҳодисалар, қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосида, яхлит агрегат сифатида ҳаракат қилишидир. Бунда ҳар бир элемент уйғун ва барқарор бирлашиб, бири иккинчисини ҳаракатлантиради. *Механизмга аниқ, қатъий ва бир маромда ишилаши хосдир.* Механизм элементларнинг оддий йиғиндиси сифатида мавжуд бўлмайди. Механизм таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосидаги жисплиги билан, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этиши билан, айнан шу ўзаро муносабатлар негизида ҳаракатланиши, ривожланиши ва такомиллашиши билан тавсифланади. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида намоён бўлувчи қисмлар ягона яхлит механизми ташкил этади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида ички ишлар ва миллий гвардия ходимларининг жамоат тартибини сақлаш механизми:

1. Жамоат тартибини сақлашда участка сайлов комиссиялари билан ҳамкорликни амалга оширади ва комиссия раисининг кўрсатмаси асосида фаолият олиб боради;

2. Сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг кўрикланишини таъминлайди.

3. Участка сайлов комиссияси раиси жамоат тартибини сақлашга масъул ходимнинг қаерда жойлашишини белгилайди;

4. Сайлов участкаси биносида ёнғиндан сақлаш, алоқа воситаларига масъул ходимларнинг телефон рўйхатлари билан таъминланади;

5. Участка сайлов комиссияси раисининг кўрсатмасига асосан сайловга бир кун қолганида сайлов участкаси биноси хизмат ити билан кинолог томонидан текширилади;

6. Сайлов участкаси ёнида фавқулодда вазият юзага келган тақдирда жамоат тартибига масъул шахс ўз жойида қолиб навбатчилик қисми ёки раҳбариятига хабар беради;

7. Сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан хушмуоамала ва муносиб хулқ-атворда бўлиши лозим;

8. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг фаолиятига қаршилик кўрсатилганда ёки уларнинг соғлиги, ҳаётига хавф туғилганда, уларни ҳимоя қилади. Бундан ташқари, жамоат тартибига масъул шахс сайлов куни сайлов участкаси биносида бўлган бошқа шахсларни ҳам ҳимоя қилади;

9. Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари, биринчи навбатда, инсонларнинг соғлифи ва ҳаётини ҳимоя қилиши, зарурат туғилганида уларни эвакуация қилиши лозим;

10. Хуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланган ҳолларда ички ишлар ходими маъмурий хуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштиради.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнидаги хуқуқ, вазифа ва бурчлари

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа саналади. Шу боис шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика масалалари функционал вазифасига катта вазифа юкланди. Мазкур органларга бундай шарафли вазифани адолатли, қонуний ва тинч-осойишта ўтказиш учун қонун доирасида аниқ хуқуқ, вазифа ва бурчларнинг белгилангани бејиз эмас.

Яъни хизмат ваколатига кўра, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари сайлов жараёнида сайлов кампанияси бошлангандан тугагунга қадар бевосита иштирок этувчи жамоат тартибини сақлашга масъул хукуқни муҳофаза қилувчи органлар саналади.

Сайлов жараёнида ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг қўйидаги умум эътироф этилган принципларига асосланади:

– *демократик сайловлар учун кулай шароитлар* - хавфсиз ва осойишта сайлов мухитини яратиш ва қўллаб-кувватлаш ҳамда сайлов жараёни қонунийлигига шубҳа туғдирмаган ҳолда, сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасдан сайлов куни жамоат тартибини таъминлаш;

– *бетарафлик ва аралашмаслик* – ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари сиёсий фаолият билан шуғулланмаслиги, партия ёхуд номзод тарафдори бўлмаслиги керак;

– *бир хил муносабатда бўлиш ва дискриминацияга йўл қўймаслик* – ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари сайлов жараёни давомида унинг барча иштирокчиларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бир хилда ҳимоя қилинишини кафолатлаши ва teng шароитларни таъминлаши шарт;

– *қонун устуворлиги ва пропорционаллик* – ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари миллий қонунчилик ҳамда халқаро нормаларга таянган ҳолдагина жамоат хавфсизлигини таъминлайдилар. Сайлов жараёнига ҳар қандай аралашув республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Сайлов жараёнида ҳар қандай чеклашлар қонун хужжатларига асосланган бўлиши шарт;

– *шаффоффлик* – манфаатдор шахслар жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли ва бу борадаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборот билан танишиш имкониятига эгадир;

– *ҳисобдорлик* – жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этаётган ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари ўз хатти-харакатлари учун жавобгардирлар. Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари қай даражада фаолият олиб бораётганлиги тўғрисида жамоатчиликка ахборот берилади;

– *жамоатчилик ишончи* – ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, ҳурмат қилиши, сайловга оид қонун хужжатларига риоя қилиши, ҳар қандай кўринишдаги қонунбузишлишларни бартараф этиш ва ол-

дини олиш учун зудлик билан чоралар кўриши, шунингдек, профессионаллик, ҳалоллик принципларига риоя қилиши шарт.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимларининг сайлов жараёнидаги вазифалари қўйидагилардан иборат:

- участка сайлов комиссиясининг кундалик иш фаолияти тугаганидан сўнг сайлов ўтказиладиган бинолар ва ҳудудларни қўриқлаши;

- уларга туташ ҳудудларда жамоат тартибини сақлаши;

- округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари кузатуви остида сайлов натижаларига доир ҳужжатларни ташишда кўмаклашиши;

- фуқаролар билан мулокотда хушмуомала, камтар ва босик бўлиши ёки ҳеч бир шахс, гурух ёхуд ташкилотларнинг камситилиши, шунингдек, афзал қўрилиши ҳолатларига йўл қўймаслиги;

- фуқароларнинг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чораларни қўриши;

- ходимнинг ўз хизмат бурчини вижданан бажаришига нисбатан фуқарода шубҳа уйғотовувчи хатти-харакатдан тийилиши, шунингдек, давлат органлари обрўсига салбий таъсир қўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслиги шарт.

Участка сайлов комиссияси раиси (ёки раис ўринбосари) овоз бериш биносидаги тартибга риоя қилинишини назорат қиласди. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида берган қўрсатмалари овоз бериш биносида хозир бўлган шахслар, шу жумладан ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари учун ҳам МАЖБУРИЙДИР.

Овоз бериш куни ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари сайлов участкаси ҳудудидан ташқарида жойлашади. Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари тезкор алоқа ўрнатиш учун уяли ва иш телефон ракамларини участка сайлов комиссияси раисига ва бошқа аъзосига тақдим этиши шарт.

Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишида файриконуний тўсиқлар вужудга келганида ички ишлар ёки миллий гвардия ходимларига мурожат қилиши мумкин. Бунда, ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов участкаси худудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний хатти-харакатлар бартараф этилганидан сўнг участка сайлов комиссияси раиси кўрсатмаси асосида сайлов участкаси биносини тарк этишлари ва сайлов жараёнига халақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.

Сайлов участкасида ҳозир бўлган ички ишлар ва миллий гвардия ходимларига қўйидагилар тақиқланади:

- сайловчилар ва сайлов жараёнинг бошқа иштирокчиларига таъсир ўтказиш;
- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- бирон-бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйиша бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- давлат ҳокимияти органи вакилининг вазифаси билан боғлиқ бўймаган ҳолда номзод, участка сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов жараёнинг бошқа иштирокчиларининг манфаатлари ва хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган харакатларга йўл қўйиш;
- сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан унинг мажлисларида ҳозир бўлишга, сайлов қутиларини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашиш.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари сайловчиларга сайлов хуқуқларини амалга ошириш бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатмайди. Турли масалалар вужудга келганида, ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари сайловчини участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринbosари, котиби ёки бошқа аъзосига юборади.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари овоз бериш биносида хизмат ўташ вақтида унда жойлашган шахслар хавфсизлигини, сайлов ҳужжатлари ва сайлов участкаси биносининг қўриқланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Овоз бериш биносида ҳозир бўлган шахснинг хавфсизлиги, соғлиги ва ҳаётига таҳдид пайдо бўлган тақдирда, ички ишлар ёки миллий гвардия ходими зудлик билан худудий ички ишлар ёки миллий гвардия раҳбариятига ёхуд навбатчисига сайлов участкасида вужудга келган вазият тўғрисида ахборот беради ҳамда унинг кўрсатмалари бўйича харакат қиласи.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари, биринчи навбатда, инсонларнинг соғлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиши, зарурат туғилганида уларни эвакуация қилиши лозим.

Ўзбекистан Республикасининг МЖтКнинг 51²-51⁹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда, Ички ишлар ходими маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштиради.

Фуқарога мурожаат қилишда ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари: ўзининг фамилияси, мансаби, унвонини айтишга ва мурожаат қилиш мақсади ҳамда сабабларини маълум қилганидан сўнг фуқаронинг талабига мувофиқ хизмат гувохномасини кўрсатишга; фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи таъсир чорасини қўллаш зарурати вужудга келса, таъсир чораси қўллашнинг асослари ва сабабларини, шунингдек, таъсир чораси қўллаш билан боғлиқ фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга мажбур.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари сайловчилар, сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан хушмуомала, дўстона муносабатда бўлишлари, сайлов кунида намунавий иш муҳитини яратишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг кўрсатмасига асосан ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари томонидан бегона шахсларнинг сайлов участкаси ҳудудини тарк этиши тушунтирилади ва белгиланган тартибда таъминланади.

Сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида қўйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

- тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари;
- тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари;
- сиёсий партияларнинг кузатувчилари;
- оммавий ахборот воситалари вакиллари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари;
- хорижий (халқаро) кузатувчилар;
- сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар.

Овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахс-

ларнинг бўлишига рухсат этилмайди. Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссиясининг зимасида бўлади.

Участка сайлов комиссияси биносида хозир бўлишга рухсат этилган шахслар (сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган макомини тасдиқловчи мандат (гувоҳномаси) ни бошқаларга кўринадиган ҳолда тақсан бўлишлари шарт.

Шунингдек, ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари ҳам хизмат гувоҳномаларини олиб юришлари шарт.

Ҳеч ким участка сайлов комиссияси ҳудудига қурол олиб кириши мумкин эмас. Агар ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари участка сайлов комиссияси раиси томонидан таклиф этилган бўлсалар, истисно тариқасида ўзлари билан бирга қурол олиб юришлари мумкин.

Сайлов участкасида хавфсизликни таъминлаш сайлов участкаси ҳудудида хозир бўлган сайловчиларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини бузмаслиги ҳамда сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт. Яширин овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини бузиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига ғайриқонуний равишда путур етказиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурӣ ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Жорий йилда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш ички ишлар ва миллий гвардия органлари зиммасига юклатилганининг сабаби нимада?
2. Сайлов жараёнида Ички ишлар ва Миллий гвардия органи ходимлари жамоат тартибини таъминлашда халқаро хуқуқнинг қандай умум эътироф этилган принципларига асосланади?
3. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларни участка сайлов комиссияларидан округ сайлов комиссиясига, шунингдек, округ сайлов комиссияларидан Марказий сайлов комиссиясига хавфсиз тарзда етказиб берилишини қайси давлат органи таъминлайди?
4. Жамоат тартиби деганда сиз нимани тушунасиз? Жамоат тартибини саклашнинг идоравий талқини дегандачи?
5. Сайлов жараёнида Ички ишлар ва Миллий гвардия органи ходимларига нималар тақиқланади?
6. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида берган кўрсатмалари овоз бериш биносида ҳозир бўлган шахслар, шу жумладан ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари учун хам мажбурийми? Нима учун?